


9-20-2019

## SOME PROBLEMS OF NEWS EDITING

Halim Saidov PhD, Associate professor of the theory and practice of journalism  
*UzSWLU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Saidov, Halim PhD, Associate professor of the theory and practice of journalism (2019) "SOME PROBLEMS OF NEWS EDITING," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 61.

DOI: 10.36078/987654364

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/61>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Ҳалим Саидов

ЎзДЖТУ халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

### АХБОРОТ ЖАНРЛАРИ ТАҲРИРИНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

#### АННОТАЦИЯ

Мақола ахборот жанрлари таҳрирининг баъзи масалалари тадқиқига бағишланган. Мазкур ишда таҳрир назарияси муаммоларига эмас, балки вақтли оммавий ахборот воситаларида кенг тарқалган хато ва камчиликлар, уларнинг келиб чиқиши таҳлил этилади. Нотўғри сўз қўлланилган матн таҳлили шуни кўрсатадики, журналистлар ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини билиши кераклиги, агар мухбирнинг ёшлиги, тажрибасизлиги сабабли бундай қусурлар учраса, бундай пайтда таҳририят муҳаррири жавобгарликни зиммасига олиши талаб этилади. Ноўрин ишлатилган сўз, жумла, ҳатто, белги ҳам ўқувчини чалғитиши мисоллар ёрдамида очиқ берилган. Матн мазмунини бузадиган ёки тушуниши қийин бўлган баҳсталаб сўзларни ахборот жанрларида қўлламаслик кераклиги тавсия этилади. Сўз юки, сўзни ҳис қилиш деган ибораларни журналистика жанрларида ҳам қўллаша бўлади. Сўз маъносини яхши билган, сўзни ҳис қилган журналист фикрни қисқа сатрларда баён қилади. Бундай маҳорат тинимсиз ўқиш, изланиш, ёзиш, қайта-қайта таҳрир қилиш натижасидагина вужудга келадиган ҳодисадир.

Муҳаррирлик бу касб соҳибидан кенг дунёқараш, ҳушёрлик, синчковлик, саводхонлик ва яна қатор бошқа сифатларни талаб этади. Бу хислатлар эса муҳаррирда тинимсиз ўқиб-ўрганиш натижасида шаклланади. Бунинг учун таҳририятлар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва унинг худудий бўлимлари, тегишли жамғармалар қошида муҳаррирлар тайёрлаш бўйича мунтазам ишлар олиб борилиши керак. Бундан ташқари, кўп учрайдиган хатоларни бартараф этиш мақсадида муҳаррирлар учун луғат-қўлланмалар яратиш зарур.

## Halim Saidov

PhD, Associate professor of the theory and practice of journalism

### SOME PROBLEMS OF NEWS EDITING

#### ABSTRACT

The article deals with the problems of news editing, common errors, shortcomings and the reasons of this kind of mistakes.

Use of an incorrect word in a text demonstrates that journalists need to know the meaning of every word they use. If this occurs because a journalist is inexperienced or young, the editor has to shoulder all the responsibility. An incorrect word, a phrase or a sign has been found to be confusing for readers in many circumstances. It is recommended that using words that can cause arguments or change the meaning of the text should be avoided.

The phrases such as “the weight of a word, feeling the word” can be utilized in journalistic genres. A journalist, who knows the meaning of words and who can feel the word, can express his or her ideas in brief texts. This ability is developed because of non-stop reading, researching and editing frequently. In many circumstances, a word or a phrase, proverbs are used unsuitably. Correspondents are likely to use them without thinking or not understanding the real meaning. Sometimes, they cannot find words, which are “on the tip of their tongue”, but editors do.

In conclusion, being an editor requires a person to have broad horizons, vigilance, attention to detail and high level of literacy and many other qualities. These qualities are formed through hard study. In order to achieve this, The Creative Union of Journalists of Uzbekistan and its regional offices, and relevant funds should work systematically. Apart from that, in order to reduce the number of errors editors make, it is vital to create dictionaries and handbooks for frequently made mistakes.

**Key words:** journalist, editor, editor, correspondent, journalist's immunity, interviewer, fourth authority, credibility, title.

**Калит сўзлар:** журналист, муҳаррир, таҳрир, мухбир, журналистнинг дахлсизлиги, мусахҳих, тўртинчи ҳокимият, ишончилилик, сарлавҳа.

Таҳрир сўзининг луғатимиздаги изоҳида унинг араб тилидан кириб келганлиги, “озод қилиш; тузатиш, муҳаррирлик қилиш; асар ёзиш” [Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ., 2008; 42] маъноларида ишлатилиши таъкидланган. Биз илмий мавзумизга тааллуқли бўлган публицистик матн устида ишлашда зарур ҳисобланган иккинчи вазифаси, яъни “тузатиш, муҳаррирлик қилиш” жиҳатига эътибор қаратамиз. Мақсадни янада аниқроқ баён қилиш учун юқорида таъкидланган манбада таҳрирга берилган “1. Ёзма ишни, асарни тузатишлар киритиб яхшилаш, тузатиш” изоҳи хусусида фикр юритамиз.

Ўзбекистон “Миллий энциклопедияси”даги таҳрирга берилган тушунча эса мазкур тадқиқотимизда қўйилаётган масалага янада яқинроқ эканлиги кўринади: “ТАҲРИР – матбуотда босиш, радио, телевидениедан ўқиш, кўрсатиш ва б. мақсадлар учун мўлжалланган матннинг таҳририят ходими (муҳаррир, адабий ходимлар ва б.) томонидан ишланиш жараёни. Шартли равишда адабий, илмий, сиёсий Т. фарқланади. Асарнинг мазмуни устидаги Т. илмий ва сиёсий Т. ҳисобланса, қўлёзманинг шакли (композицияси ва услуги) устидаги Т. адабий Т. ҳисобланади. Амалиётда Т. ягона ижодий жараён бўлиб, муаллифнинг ўзига хос услуги сақлаган ҳолда мазмун ва шаклда мукамалликка эришиш мақсадига қаратилади” [А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б., 2004; 317].

Дунё журналистикасида эса ОАВда қўлланиладиган профессионал таҳрирнинг адабий, бадиий, услубий, мазмуний, илмий, техник кўринишлари мавжудлиги таъкидланади [<http://www.russlovoburo.ru/izdanie/redaktura-smi/>].

Албатта таҳрирни ҳам жанр хусусиятларига кўра турларга бўлиш мумкин. Ахборий матнлар таҳрири бўйича муайян тадқиқотлар ҳам амалга оширилган [Тоҳиров З.Т., 2016; 240; Саидов Ҳ., 2009; 160; Тўхлиева Н., 2006; 69-72; Черникова Е., 2007; 187].

Мазкур тадқиқотимизда таҳрир назарияси муаммоларига эмас, балки вақтли оммавий ахборот воситаларида кенг тарқалган хато ва камчиликларга тўхталамиз. Дастлаб турли жанрларда ёзилган матнларда сўзнинг нотўғри қўлланилиши юзасидан фикр юритсак. Ҳушёр газетхон, айниқса соҳа олимлари кўзига бундай хатоликлар кўп кўринади. Сўзни нотўғри қўллаш фақат жумланинг ғализ чиқишигагина эмас, балки маънонинг бузилишга ҳам сабаб бўлади. Оз сўз ишлатишни талаб қиладиган янгиликлар жанри табиатига эса бу ҳол мутлақо тўғри келмайди. Битта нотўғри ишлатилган сўз янгилик мазмунини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Журналистикада “Сарлавҳа – ярим мақола”, деган гап бор. Шундай экан сарлавҳада сўзнинг ўз ўрнида қўлланилмаслиги публицистик асарнинг ўқишли бўлишига монелик қилади. Яхши сарлавҳалар кўп, албатта. Биз эса фикримизни

сарлавҳаларда нотўғри ишлатилаётган сўзларга қаратамиз. Сурхондарёлик нуруний Номоз Жумаев ўз маҳалласидаги 35 та футбол майдониغا тенг бўлган чўл худудни ўрмонга айлантиргани тўғрисидаги ахборот матнига “Сахро ишғолчиси” [<https://www.gazeta.uz/uz/2018/04/13/nomoz-aka/>] дея сарлавҳа қўйилган. Сиртдан қараганда gazeta.uz сайти муҳаррирлари ўқувчиларни жалб этиш мақсадида янги атама яратмоқчи бўлишгандек. Бироқ янгилик муаллифига кўзимиз тушиши билан барчаси ойдинлашди. Муаллиф Никита Макаренконинг рус тилида ёзган ахбороти ўзбек тилига нотўғри таржима қилинган. Ваҳоланки, тилимизда шу пайтгача Номоз Жумаевга ўхшаган кишиларни “сахро ишғолчиси” эмас, балки чўлқувар дейишган. Бу ҳақда изоҳли луғатда ҳам маълумот бор: “ЧЎЛҚУВАР - чўлни ўзлаштирувчи, кўрик ерларни экиб обод қилувчи” [Т.Мирзаев (рахбар) ва бошқ., 2008; 524]. Изоҳли луғатларимизда “Ишғол забт этмоқ, қўлга олмақ, эгалламоқ” [Т.Мирзаев (рахбар) ва бошқ., 2008; 262] маъноларида келиши айтилса-да, “ишғолчи” тариқасида ишлатилиши ҳақида маълумот йўқ. Фикримизча бундай хатолар сўзма-сўз таржимада муҳаррирлар назаридан “ўтиб” кетади.

Журналист ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини билиши даркор, агар муҳбирнинг ёшлиги, тажрибасизлиги сабабли бундай қусурлар учраса, таҳририят муҳарриридан хатоларни тузатиш талаб этилади. Бунда, албатта, унинг иш столида изоҳли луғатлар бўлиши, уларга эринмасдан, оғринмасдан мурожаат қилиши, матнни синчиклаб ўқиши, уқиши, натижада унинг таҳриридан чиққан ҳар қандай жанрдаги матннинг мазмуни бузилмаслиги, сайқал топиши керак.

Юқорида таъкидланган сайтдаги яна бир янгилик сарлавҳасига эътибор қаратамиз. **“Тошкент шаҳар ҳокимияти тадбиркорлар билан “мисли кўрилмаган” муносабатлар ўрнатмоқчи”** [<https://www.gazeta.uz/uz/2018/06/19/toshkent/>]. Мазкур ахборот Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.Ортиқхўжаевнинг тадбирда билдирган фикридан ўзлаштириб олинган. Бироқ бунда масаланинг мислсизлик миқёсини кўрсатмоқчи бўлган муҳаррир жумлани қўштирноқда бериб, нотўғри йўл тутган. Унинг бундай таҳрири масаланинг қимматини аксинча пасайтирган. Муҳаррир сарлавҳани киноя билан шундай номладимикан, деган хаёл матнни ўқиганда тарқаб кетади. Ҳолбуки, матнда: “Биз тадбиркорлар ва ҳокимият ўртасида Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган яқин муносабатлар ўрнатиш истагидамиз ва бунинг учун шароит яратмоқчимиз”, – деди Ортиқхўжаев”. Демак, ҳоким гапидан киноя ишлатиш ўринсиз эканлиги маълум бўляпти. Хато шундаки, муҳаррир сарлавҳадаги қўштирноқни нотўғри қўллаган. Ҳокимнинг гапини тўлиқ берай деса, сўз миқдори сарлавҳага кўплик қилади. Шу боис муҳаррир гапнинг мазмуни сарлавҳага олиб чиқишни мақсад қилган. Ҳокимнинг гапидан фақат иккита (**“мисли кўрилмаган”**) сўзни олиб сарлавҳани ўзи тузган. Натижада қўштирноқ ичида кинояли сарлавҳа пайдо бўлган. Ноўрин ёки ортиқча ишлатилган сўз, жумла, ҳатто, белги ҳам ўқувчини чалғитади, бора-бора нашрдан бездиради. Агар муҳбир бундай хатоликларга йўл қўйса, табиийки мазкур носозликни тузатиш муҳаррир зиммасидадир.

Навбатдаги сарлавҳа намунаси анча баҳсли. Уни anhor.uz сайти муҳаррирлари қўллашган: **ЛОТ №1 ХИМ «Tashkent City»** [<https://anhor.uz/uz/reklama/lot-1-him-tashkent-city>]. Бунда №1 нималиги маълумдир балки. ЛОТ нима? Изоҳли луғатимизда икки хил, яъни қадимги дин санамлардан бирининг номи ва “кемадан туриб сувни чуқурлигини ўлчайдиган асбоб” маъноларигина келтирилган. Ахборот матнининг русчадан таржимаси ва сарлавҳанинг иқтисодий мазмунини назарда тутиб, рус тилидаги энциклопедиялардан бирига мурожаат қиламиз: “**Лот** — единица купли-продажи во время торгов на аукционах, биржах...” [[https://ru.wikipedia.org/wiki/Лот\\_\(финансы\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Лот_(финансы))]. Тахминимизча, муҳаррир “аукцион ёки биржадан ютиб олинган энг йирик, биринчи рақамли савдо натижаси”га ишора берапти. «**Tashkent City**»ни бугунги авлод кўп эшитган ҳам дейлик. Унда сарлавҳадаги **ХИМ** нима? Сайт муҳаррири тушунарсиз гап ёки белгилар ҳам ўқувчини жалб этиш воситаси бўлиши мумкин, деган ғояни илгари сурган дейлик. Бунга янгиликнинг киришидаги изоҳда ишора бордек назаримизда. Лекин ана шу бир гап ҳам жуда серкусур. Унда нечта хато борлигини саводли ўқувчи дарҳол аниқлаб олади. Кўчирма ўз ҳолича келтирилмоқда: “Халқаро ишбилармонлик маркази (ХИМ) «Tashkent City» Узбекистондаги сунги ун йилиқдаги энг йирик шахарсозлик лойиҳасидир” [<https://anhor.uz/uz/reklama/lot-1-him-tashkent-city>]. Саккизта имловий хато. Имловий хатолар ҳақида кейинроқ тўхталишни назарда тутган ҳолда бунда сарлавҳа матни рус тилидан нотўғри таржима қилинганлигини таъкидламоқчимиз. Фикримизча, мазмунни бузадиган ёки тушуниши қийин бўлган баҳсталаб сўзларни сарлавҳада қўлламаслик керак.

Мазкур сайт муҳаррирлари «Tashkent City» жумласини ўзбек ўқувчиларига сингдирмоқчи шекилли яқинда уни қўштирноқсиз бера бошладилар. 2018 йил 16 июлдаги янгиликка қуйидагича сарлавҳа қўйилган – **Tashkent City ХИМ: Яшиллик ва замонавийлик уйғунлиги** [<https://anhor.uz/uz/reklama/tashkent-city-him-yashillik-va-zamonaviylik-uygunligi>].

Юқоридаги мисолларда бу жумла «Tashkent City» тариқасида, яъни қўштирноқ ичида берилганди. Фақат сарлавҳада берилгани учун қўштирноқ ёддан кўтарилгандир, дейишингиз мумкин. Матнда ҳам бу жумла тўрт маротаба қўштирноқсиз берилган. Хўш, «Tashkent City»ни инглиз тилини билмайдиган оддий фуқаро қандай ўқийди? Ўзимизнинг лотин ёзувига асосланган янги алифбомиз талаби билан “Ташкент сите” деб ўкилади. Демак, аввало, бу жумла **Tashkent City** тариқасида ёзилмаслиги керак. Мажбурий ҳолатларда ёзилганда эса қўштирноқ ичида (“**Tashkent City**”) берилиши шарт.

Сўз юки, сўзни ҳис қилиш деган иборалар асосан бадий адабиёт, айниқса, назм борасида фикр юритилганда бот-бот тилга олинади. Бу ибораларни журналистика жанрларида ҳам қўлласа бўлади. Масалан, оддий ахборот ёзишда қисқаликка, аниқликка риоя қилинади. Шундай экан, сўз маъносини яхши билган, сўзни ҳис қилган журналист фикрни қисқа сатрларда баён қилади. Бундай маҳорат тинимсиз ўқиш, изланиш, ёзиш, қайта-қайта таҳрир қилиш натижасидагина вужудга келадиган ҳодисадир.

“Ёш куч” журнали саҳифаларида берилган қуйидаги мисолимиз ҳам сўз қўллаш борасида:

**“Жалололидин Румийнинг “Маснавий”сидаги бағдодлик йигитнинг прототипини Пауло Коэлонинг “Алкимёгар”идаги чўпон йигит Сантьяго-да кўрдим”** [Солиева С. “Синовлардан асраманг мени” // “Ёш куч”, 2018. №5. Б.9].

Бу гапдаги прототип сўзига эътибор қаратинг. У тўғри қўлланилганми? “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ПРОТОТИП ад. Бадий образ яратишда ёзувчига манба, намуна бўлган реал шахс” [Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ., 2008; 315] изоҳи берилади. Энди юқоридаги гапни таҳлил қиламиз. Мақола муаллифи, аввало, 13 асрда яшаб, ижод қилган Жалололидин Румий ўз қаҳрамонини ўзидан етти аср кейин, яъни 20 асрда яшайдиган Пауло Коэло яратган асар қаҳрамонидан олган бўлиб чиқмоқда. Бунда олим З.Тоҳиров таъкидлаганидек [Тоҳиров З.Т., 2016; 63] журнал муҳаррири матнни мантикий таҳлил қилмаган. Бу биринчидан. Иккинчидан, муаллиф ҳам, муҳаррир ҳам вақтни белгилайдиган сўзларни қўллашда нўнокликка йўл қўйган дея тахмин қилиб, гапни мана бундай ўқийлик:

**“Пауло Коэлонинг “Алкимёгар”идаги чўпон йигит Сантьягонинг прототипини Жалололидин Румийнинг “Маснавий”сидаги бағдодлик йигитда кўрдим”.**

Энди Пауло Коэло асари қаҳрамони прототипи Жалололидин Румий асаридаги йигитдан олади. Аммо бу ерда ҳам нимадир жойидамасдек туюлаверади. Прототип ҳақида изоҳли луғатдан олинган тушунтиришга яна бир бор диққат қиламиз. “Бадий образ яратишга ёзувчига манба, намуна бўлган реал шахс”. Бир ёзувчи асаридаги йигит образи бошқа ёзувчи асаридаги образга прототип, яъни “реал шахс” вазифасини бажара оладими? Охирги саволимиз баҳсли бўлса-да, юқоридаги кўчирмада прототип сўзи нотўғри қўлланилган деган фикрдамиз.

Муҳаррирда мантикий таҳлил ва таҳрир етишмаган жиҳатни бошқа бир нашрдан олинган кўчирма мисолида кўриб чиқамиз.

**“Мен таваллуд топган Самарқанд вилояти Китоб туманидаги Хўжаилмкони қишлоғига йўлим тушса, албатта, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ота-она томонидан қариндошлари, шунингдек шахидлик мақомига эришган шахс Қусам ибн Аббос(розияллоҳу анхумо) – Шоҳи Зинда қадамжосини зиёрат этмай Тошкентга қайтмайман”** [Ғ. Мажид, 2018]

Бу гапда биринчи навбатда кўзга ташланадиган ноаниқликка муҳаррирнинг берадиган саволи қуйидаги мазмунда бўлади – Китоб тумани Самарқанд вилояти таркибидами? Жавоб – Қашқадарё вилоятида. Унда муаллиф, яъни таниқли шоир Ғайрат Мажид туғилган пайтда Китоб тумани Самарқанд вилояти таркибида бўлганмикан, деган савол ҳам туғилади кишида. Буни муҳаррир қандай аниқлаши керак эди? Албатта, биринчи навбатда расмий адабиётлар, масалан, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»га мурожаат қилиши даркор. Унда “КИТОБ ТУМАНИ – Қашқадарё вилоятидаги туман.

Вилоятнинг шим.-шарқида. 1926 й. сент.да ташкил этилган. 1962 й. 24 дек.да Шаҳрисабз тумани билан бирлаштирилган. 1968 й. 25 дек.да қайта тузилди»[М. Аминов, Т.Даминов ва б., 2002; 622] дейилади. Ноаниқликни бартараф этишнинг иккинчи йўли муаллифнинг ўзига мурожаат этишдир. Мазкур тадқиқот жараёнида мақола муаллифига мурожаат қилганимизда, у таҳририят раҳбариятига аллақачон ўз эътирозини билдирганини айтди. Маълум бўлдики, мақолани чоп этишга тайёрлаган муҳаррир “Китоб тумани қайси вилоятдалигини ҳамма ҳам билавермайдику”, деган мулоҳазада матнни ўзича “тўлдирган”. Демак, муаллиф матнига “Самарқанд вилояти” жумласи таҳририятда муҳаррир томонидан қўшилган. Қолаверса, Тошкентдан Қашқадарё вилоятига ўтиш ёки қайтишда Самарқанд шаҳрида жойлашган Шох Зинда кадамжосига кириб, зиёрат қилиш учун анчагина йўл босиш, вақт сарфлаш талаб этилади. Муҳаррир томонидан киритилган нотўғри маълумот бу кадамжонинг мақола муаллифи учун аҳамият касб этган жиҳатига, масала кўламига путур етказган.

Муҳаррир гапга вилоятни киритишдан кўра матндаги бошқа жиҳатга, яъни **“пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ота-она томонидан қариндошлари”** жумлаларига эътибор қаратиши зарур эди назаримизда. Тарихдан маълумки (бу ҳақда адабиётларда маълумотлар етарли), Қусам ибн Аббос пайғамбаримизга амакивачча бўлади. Амакивачча эса ота томонга қариндош ҳисобланади. Демак муҳаррир матндан она сўзини олиб ташлаши ёки **“ота-она томонидан қариндошлари”** жумлалари ўрнига **“амакиваччалари”** сўзини киритиши керак эди.

Муҳаррир таҳрир давомида муҳбирнинг воқеа-ҳодиса ҳақида ёзган далилларини, ёзиш услубини бузмаслиги (агар у яхши бўлса), қисқаси унинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи лозим. Агар матнда ноаниқлик ёки фикрни баён этишда ғализлик сезилса, уни бартараф этиши зарур. Бу ҳақда филология фанлари доктори Х.Дўстмухаммедовнинг фикрларини келтиришимиз ўринли бўлади.

**«Таҳрир муаллифнинг фикрини қайчилаш эмас, таҳрир – муаллиф айтмоқчи бўлган, лекин ўхшатиб ифодалай олмаган фикрларига йўл очиш демакдир. Сўзга, жумлага сайқал бериш, сўз сеҳри ва жозибасини ҳис қилиш, мулоҳазаларни изчил равишда баён этиш, ортиқча ва ўқувчи эътиборини муҳимдан чалғитадиган номуҳимлардан воз кечиш деганидир. Рақамларни, исм-шарифларни, атамаларни тўғри, хатосиз ёзиш демакдир!»** [Х.Дўстмухаммад, 2001; 64].

Нафақат адабий-бадий жанрларда, балки публицистик жанрларда ҳам оҳангдорлик бўлади. Бу ҳақда маҳоратли муҳаррир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдийнинг фикрини келтирамиз: “Донишманд шоиримиз Ғафур Ғулом “Гапириб таржима қил”, деган экан. Агар шу ўғитни таҳрир санъатига қўллайдиган бўлсак, яъни муҳаррир “гапириб” таҳрир қилса, матннинг фақат мазмунигина эмас, балки оҳанги ҳам бузилмайди, муаллифнинг услуби ҳам сайқал топади” [Saidov H., To‘xliyeva N., 2008; 56], дейди у. Қуйидаги кўчирма бу каби хатоларга бир мисол:

**“Бунинг асосий сабаби, иқтидорли ўқувчилар тўғри йўналтирмаслиги, ўз олдига аниқ мақсад қўйишга ўргатилмаслиги ва олимлар тайёрлаш тизими яхши ишламаётгани деб ўйлайман”** [Тиллабоев И. 2018].

Агар биринчи ўқишда матндаги оҳанг бузилишини сезмасангиз, М.Саъдий айтмоқчи, яна бир бор овоз чиқариб ўқинг. Биринчи оҳанг бузилиши **“йўналтирмаслиги”** билан **“ўргатилмаслиги”** сўзларида сезилади. Қайси бирида камчилик бор? Аввал келган сўзларни қўшиб ўқиймиз: **“ўқувчилар тўғри йўналтирмаслиги”, “ўз олдига аниқ мақсад қўйишга ўргатилмаслиги”**. Бунда биринчи сўзни **“йўналтирилмаслиги”** тариқасида ўқисак оҳангдошлик, асосийси, мазмун пайдо бўлади. Шунингдек, **“олимлар тайёрлаш тизими яхши ишламаётгани”**да ҳам оҳанг бузилаётгандек туюлади. Шу боис яна овоз чиқариб ўқиймиз: **“Бунинг асосий сабаби, ...йўналтирилмаслиги, ...ўргатилмаслиги ва ...ишламаётгани деб ўйлайман”**. Асосий сабаби нимада? **“...йўналтирилмаслиги(да), ...ўргатилмаслиги(да) ва ...ишламаётгани(да)”**. Қўшимчани фақат охириги сўзда қолдириб, матнни тузатиб, қайтадан ўқиймиз:

**“Бунинг асосий сабаби, иқтидорли ўқувчилар тўғри йўналтирилмаслиги, ўз олдига аниқ мақсад қўйишга ўргатилмаслиги ва олимлар тайёрлаш тизими яхши ишламаётганида, деб ўйлайман”**.

Демак, таҳрир жараёнида овоз чиқариб ўқишнинг ҳам ўзига хос афзалликлари мавжуд.

Муҳаррирлар қўлига мухбирлар ёзган матн келиб тушганда, баъзилари ўқишни бошлашлари биланоқ таҳрирга киришадилар. Аслида эса дастлаб матнни тўлиқ ўқиб чиқиш талаб этилади. Масалан, у ахборот жанрида ёзилган бўлса, аввало, тасвирланган воқеа-ҳодисанинг ўзи янгиликка арзиш-арзимаслигини англаб олиш керак. Ўқиганда ҳам шошмасдан ортиқча сўзларни аниқлаб, кичик хатоларни белгилаб ўқилса (агар арзийдиган янгилик бўлса), бу амал бўлажак таҳрирга ёрдам беради. Шу билан бирга муҳаррир таҳрир олди ўқиш жараёнида муаллифга бериладиган саволларни ҳам белгилаб олади. Негаки, барча матнлар ҳам тўқис тушаверганида, дунёнинг барча ахборот агентликларию газеталарида муҳаррирлик вазибалари жорий этилмаган бўларди.

Баъзан ахборотлар нотўғри берилади. Бундай ҳолатлар жамоатчилик фикрини чалғитади, нашрнинг обрўсига путур етказди. Шунинг учун ҳар қандай ахборотни текшириб қўриш муҳаррир зиммасидадир.

Навбатдаги мисолимиз нақадар нохуш бўлмасин, бу – ҳақиқат. Тошкент шаҳар бош имом-хатиби – “Минор” жомеъ масжиди имом-хатиби Анвар қори Турсунов инсулт ташхиси билан касалхонага ётқизилади. Бу касаллик бироз аввал Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовни орамиздан олиб кетганди. Бу хасталикка чора йўқлиги сабабми ёки бошқа вадданми, Анвар қори Турсуновнинг ўлими ҳақида ёлғон маълумот тарқатилади. Бундай уйдирмалар нима учун амалга оширилади? Ислон Каримов вафоти ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатга қарши кучларнинг “ҳаракати” билан тарқатилган бўлса, ўзини журналистлардан “устун” ва “тезкор” ҳисоблаган блогерлар “шов-шувли ахборот”ни биринчи бўлиб айтиш мақсадини, яъни шах-



сий манфаатни кўзлаган.

“Бугун, 8 июнь жума тонггида ижтимоий тармоқларда Анвар қори Турсуновнинг вафот этгани ҳақида миш-мишлар тарқалган эди. Улардан бири блогер Хушнудбек Худойбердиевнинг Telegram’даги каналида тарқатилди” [<http://qalampir.uz/news/anvar-qorini-oldiga-chiqargan-bloger-xalqdan-uzr-soradi-20333>].

**“Масжидларда Анвар қори Турсуновнинг вафоти эълон қилинди. Бугун, жума намозидан кейин чиқаришар экан. Жуда яхши инсон эди, шундай муборак кунларда омонатларини топширибдилар. Жойлари жаннатдан бўлсин, илоҳим. Яқинларига сабр берсин”,** дея ёзади блогер.

“Qalampir.uz” сайти бу ҳақда ахборот бераркан, муҳаррир дарҳол ахборотни текширишга киришади ва: **“тарқалган хабарлар ёлғонлигини, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан боғланиб, Анвар қори Турсунов тириклиги, бироқ оғир аҳволдалиги”**ни маълум қилади [<http://qalampir.uz/news/anvar-qorini-oldiga-chiqargan-bloger-xalqdan-uzr-soradi-20333>]. Аҳволи оғир дегани, ўлди дегани эмас. Лекин бу ахборотни қайта текширмасдан бериб юборганлар бўлди. Хушёр ва одоб меъёрларига амал қиладиган муҳаррирлар бу каби ахборотларни турли манбалар орқали қайта-қайта текширишлари талаб этилади.

Кўпчилик ҳолларда сўз ёки жумла, мақоллар ноўрин ишлатилади. Мухбирлар уларни гоҳида чуқур ўйламай, гоҳида тўлиқ англамасдан қўллайдилар. Баъзида эса улар излаб топа олмаган, лекин “тилларининг учуда турган” зарур сўзни муҳаррирлар топадилар.

Иқтибосларни, айниқса, хориж вакилларининг фикрларини қўштирноқ ичига олиб ишлатиш жуда катта масъулиятни талаб этади. Муҳаррирлар бу ҳолларда янгиликларни ёзган журналистларга ишонишга мажбур бўладилар. Лекин имкон даражасида уни қайта текшириб кўрсалар айтиш муддао бўлади. Бошқа тилда чоп этилган, дейлик интернет орқали тарқатилаётган матнлардаги сиёсий арбоблар, таниқли кишилар, умуман жамоатчилик учун зарур фикрни айтган кишининг сўзлари аниқ, маъносини бузмаган ҳолда таржима қилиниши келгусида вужудга келадиган кўпгина нохуш ҳолатларнинг олдини олади.

Янгиликларда мантиқийлик тамойилига алоҳида эътибор бериш лозим, албатта. Чунки уларда ахборий юк бор. Газеталардан бирида “Буюк ипак йўли Европага келади” [<http://qalampir.uz/news/anvar-qorini-oldiga-chiqargan-bloger-xalqdan-uzr-soradi-20333>] сарлавҳаси остида янгилик эълон қилинган. Унда Белгиянинг санъат ва тарих Қироллик музейида Буюк ипак йўлига оид кўргазма очилиши ҳақида сўз юритилади. Агар бу мақоланинг Ўзбекистон матбуотида эълон қилинганини назарда тутсак, унда сарлавҳадаги “келади” сўзи “боради” сўзи билан алмаштирилиши кераклигини пайқаш қийин эмас. Агар янгилик белгиялик журналист томонидан ёритилганда сарлавҳа хато ҳисобланмаган бўларди. Негаки, Буюк Ипак йўли Осиё мероси ҳисобланади. Бизнинг журналистлар ёзишганда эса Буюк Ипак йўлининг Осиёдан Европага “бориши” ҳақида хабар берилиши керак.

Бошқа бир янгиликдан кўчирма оламиз: “Рассом турмуш ўртоғи билан икки қиз фарзанд кўрди. Тўнғичи Нигина санъатшунос, кенжаси Манзура эса

хонандаликдан кетди” [<http://qalampir.uz/news/honanda-manzura-yoldosheva-oilasida-ogir-judolik-2>]. Демак фарзанднинг бири санъатшунослик, иккинчиси хонандаликни танлаган. Матндаги “хонандаликдан кетди” жумласи “хонанда эди ва у ҳозир бу ишдан кетди” маъносини бермоқда, назаримизда. Муаллиф ўз фикрида қоладиган бўлса, у ҳолда гапнинг биринчи бўлагиде келган *санъатшунос* сўзига *лик* қўшимчасини қўшиб, “Тўнғичи Нигина санъатшунослик, кенжаси Манзура эса хонандалик йўлидан кетди” қабилида ёзиши лозим бўлади.

Албатта, янгилик матнидаги ҳар бир ҳарф, ҳар бир белги жуда катта аҳамиятга эга. Қисқартма сўзларни олиб қарайлик. Маълумки, кенг оммалашган БМТ каби қисқартма сўзлар матнда изоҳ талаб этмайди. Унинг Бирлашган Миллатлар ташкилоти эканлигини ўқувчи яхши билади. Лекин камдан-кам фойдаланиладиган ёки фақат маълум соҳа кишилари учунгина тушунарли бўлган қисқартма сўзларни ишлатиш ўринли бўлмайди. Дейлик, Абдулла Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ деб ёзиш янгилик ўқувчиси учун анча ноқулайлик туғдиради. Негаки ҳамма ҳам унинг “Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти” эканлигини билавермайди ва ўз-ўзидан ўқувчининг янгиликка нисбатан диққати сусаяди. Шунингдек, хориж оммавий ахборот воситаларидан таржима қилишда ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик зарур. Айрим ҳолларда эса уларни умуман таржима қилмай ишлатиш ҳоллари ҳам кузатилади. Масалан, [gazeta.uz](http://gazeta.uz) сайтида “ФИФА Ўзбекистон футбол федерациясига 5 млн доллар тақдим этади” [<https://www.gazeta.uz/uz/2017/09/22/fifa>] сарлавҳали янгилик берилган. Қуйида мазкур янгиликдан олинган гапга эътибор қаратамиз.

“Халқаро Футбол федерацияси (ФИФА) Ўзбекистон Футбол федерациясига (ЎФФ) «Форвард» дастури доирасида 5 млн доллар ажратади”.

Аслида Халқаро Футбол федерациясининг қисқартмаси ФИФА эмас ХФФ тариқасида, яъни Ўзбекистон Футбол федерацияси (ЎФФ) каби берилиши керак эди. ФИФА қисқартмаси рус тили орқали бизга кириб келган (FIFA — ФИФА, Международная федерация футбола [<https://ru.wikipedia.org/wiki/FIFA>]) бўлса-да, аслида у француз тилидан олинган қисқартмадир – “The Fédération Internationale de Football Association (FIFA /'fi:fə/ FEEF-э; French for "International Federation of Association Football")” [<https://en.wikipedia.org/wiki/FIFA>]. Қисқача айтганда, Халқаро Футбол федерацияси ХФФ тариқасида берилгани тўғри бўлади назаримизда.

Энди янгиликда рақамларнинг ишлатилишига тўхталсак. Аввало, қайси жанрда ёзилишидан қатъи назар матнда берилган рақамлар қайта текширилиши керак. Алфред Лоренз ва Жон Вивиан [A.Lorenz, J.Vivian, 1996; 616] ҳамкорликда ёзган дарсликлариде бирдан тўққизгача бўлган сонларни ҳарфлаб ёзишни, қолган сонларни эса рақам тарзида ёзиш кераклигини асосий қоида сифатида белгилаган. Чиндан ҳам янгилик матнидаги катта рақамларнинг сон билан ёзилиши ҳам жойни тежайди, ҳам осонроқ ўқилади. Лекин барча кўп хонали сонларни ҳам рақам кўринишида ёзиш тўғри эмас. Масалан, 63.000.000 сони. Уни 63 миллион шаклида ёзиш самаралироқ. Негаки, кўп хонали сонлар,

айниқса улар бир хил сонлардан иборат бўлса ўқувчини чалғитади. Рақамлар ҳақида гап кетганда саналар ёзилишига эътибор қаратиш лозим. Бу ўриндаги чалкашлик шундан иборатки, кирил ёзувида йил, санадан сўнг чизиқча ишлатилмайди (2018 йил 15 июль тарзида), лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида эса чизиқча қўйилади: 2018-yil 15-iyul.

Шунингдек, шевага хос сўзларни қўллаш, келишиқ қўшимчаларини ара-лаштириш журналистлар учун мумкин бўлмаган ҳолат. Бу яна чалкашлик, ту-шунмовчиликка олиб келади.

Оммавий ахборот воситаларида энг кўп учрайдиган иллат имловий ха-толардир. Уларнинг энг машхурлари *x* билан *ҳ* иштирок этган сўзларда кўп учрайди. Масалан, “Махшаргача уйғоқ буюк Алишер” [“Адабиёт”, 2017] (махшар), “Газета сотиш шаҳобчаси”(шоҳобча) [“Адабиёт”, 2017], “Худо хо-ласа” (хоҳласа) [“Адабиёт газетаси”, 2018]. Шу пайтгача бу икки ўхшаш ҳарф “думли”-“думсиз” ёки “қаттиқ”-“юмшоқ” дея ажратилган бўлса, лотин ёзуви-га асосланган янги алифбода бир-бирига ўхшамаган алоҳида ҳарфлардир. Шу боис ҳар куни *dorihona* (*dorixona*), *ho‘jalik* (*хо‘jalik*), *hiyobon* (*hiyobon*) ёки *hijolat* (*xijolat*), *hiyonat* (*hiyonat*), *hislat* (*xislat*) каби хатолар ўта кўпол кўрина бошлади.

“Сухбатдошим Ботир Қодиров эса бундай шов-шувлардан ҳоли, халққа фақат ижоди билан кўринишни, шахсий ҳаёт шахсийлигича қолишини истайдиганлардан” [<http://qalampir.uz/news/botir-qodirov-‘mashxur-boldingmi-qorqongatushding-’-75>]. Мисолда *холи* (бўш, чет, бирор нарсдан озод) сўзи *ҳоли* (ҳолат, вазият; аҳвол) тариқасида хато ёзилган, маъно ҳам бузилган.

Ўхшаш ҳарфлар билан боғлиқ хатолар, жумладан, *н* ва *к* ҳарфларини мусахҳиҳ кўзи илғамай қолади. Масалан, америкалик актриса, кинорежиссёр ва сценарист, «Оскар» ва яна қатор мукофотлар ғолиби Анжелина Жолининг фикрини келтираркан, таҳририят унинг остига исм-шарифини шундай ёзади: “Анжелика Жоли” [“TVParkUz”, 2018. 10]. Бу хато муҳаррир ёки мусахҳиҳнинг таниқли киноюлдузни билмаганлигидан ёки эртак қаҳрамони Анжелика билан адаштиргани сабабидан эмас, балки *н* ва *к* ҳарфларининг ўхшашлиги натижаси-да келиб чиққан.

Матн тераётганда ва ўқиётганда дастлабки бўғиндаги унли ҳарфнинг кей-инги бўғинга “ўтиб кетиши” ҳам хатоликлар олиб келади. Масалан, *инчунин* сўзи аксар ҳолларда *инчунун* деб ёзилади. Ёки бошқа бир мисол:

“Уйдаги бор-будумни йиғиб, ижара ҳақини узган, ходимларга маош берол-май қийналган кунларим бўлди” [Ниезова Ш. “Ёш куч”, 2018; 23]. Бунда *будум* сўзида ҳам биринчи унли (*у*) ҳарф иккинчи унли (*и* ўрнига *у*) ҳарфгайм таъсир қилмоқда. Аслида *будум* эмас, *будим* тариқасида ёзилиши керак.

Навбатдаги мисолимиз эса ўқиганда турлича эслаб қолиш ёки иккила-ниш натижасида йўл қўйилдиган хатолар сирасига киради: “МУТОАЛАА ЁҒДУСИ” [<http://uza.uz/oz/culture/mutoalaa-ye-dusi-y-tirikman-yuragimda-barayet-tuy-u--10-07-2018>]. Одатда бу сўз мутуала тариқасида ҳам хато ёзилади. Бу ерда муҳаррир сўз охирида иккита *а* келишини эслаган бўлса-да, иккиланиб *му-тоалаа* шаклида хато ёзган. Аслида эса *мутуалаа* ёзилади.

Булардан ташқари, ёзганда, матн терганда сўз боши, ўртаси ва охирида ҳарфларнинг “тушиб” қолиши энг кўп учрайдиган хатолар сирасига киради. Ҳозирча бундай хатони тузатишнинг бирдан-бир йўли матнни қайта-қайта ўқиш ҳисобланади.

Тилимизга четдан кириб келган ва келаётган сўзларни қўллашдаги хатоликлар ҳам ОАВда кўп учрамоқда.

“...Ватанпарварлик, севги-муҳаббат, саргузашт, детектив... хуллас унда барча жанрларга оид лавҳалар бор” [Н. Душаев. “Оила ва жамият”, 2018] мисолда **детектив** сўзи нотўғри ёзилган. Аслида **детектив** тарикасида ёзилади.

Хулоса қилиб айтганда муҳаррирлик бу касб соҳибидан кенг дунёқараш, хушёрлик, синчковлик, саводхонлик ва яна қатор бошқа сифатларни талаб этади. Бу хислатлар эса муҳаррирда тинимсиз ўқиб-ўрганиш натижасида шаклланади.

Бунинг учун таҳририятлар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, тегишли жамғармалар қошида муҳаррирлар тайёрлаш бўйича мунтазам ишлар олиб борилиши керак. Бундан ташқари, кўп учрайдиган хатоларни бартараф этиш мақсадида муҳаррирлар учун луғат-қўлланмалар яратиш зарур.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O‘zbek tilining izohli lug‘ati: 80000 dan ortiq so‘z va so‘z birikmasi. J.IV.Tartibot – Shukr/ Tahrir hay‘ati: T.Mirzayev (rahbar) va b.; O‘zR FA Til va adabiyot in-ti. – T.: «O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti, 2008. – B.42.
2. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. 8-jild. Solnoma – To‘ytepa. Tahrir hay‘ati: A.Azizxo‘jayev, M.Aminov, T.Daminov va b. T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti, 2004.
3. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.4-jild. Zebuniso – Konigil. Tahrir hay‘ati: M.Aminov, T.Daminov va b. T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti, 2002.
4. Tohirov Z.T. Tahrir mantiqi. T.: “O‘zbekiston” NMIU, – 2016. – 240 b.
5. Qadr. (Tuzuvchi Saidov H.). – T.: Ma‘naviyat, 2009.–160 b.
6. To‘xliyeva N. Kichik matnda katta kognitiv imkoniyatning ifodalanish usullari// Ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – 2006, 4-son. B: 69-72;
7. Chernikova Yelena. Literaturnaya rabota jurnalista. Uchebnik.–Moskva: Gardariki, 2007. – 187 s.
8. Soliyeva S. “Sinovlardan asramang meni” // “Yosh kuch”, 2018. №5. B.9.
9. G‘ayrat Majid. Mirzo Kenjabekka maktub // “Kitob dunyosi”, 2018 yil 13 iyun.
10. Xurshid Do‘stmuhammad. Jurnalist bo‘lmoqchimisiz? T.: Yangi asr avlodi, 2001. 64 b.
11. Reportyorlik mahorati: O‘quv qo‘llanma / Halim Saidov, Nargiza To‘xliyeva; O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – 56 b.
12. Tillaboyev I. Bizga ilm skautlari kerak // “Ma‘rifat”, 2018 yil 4 iyul.
13. Alfred Lawrence Lorenz, John Vivian. News Reportig and Writing. USA: Allyn and Becon, 1996.-616 p.
14. “Adabiyot”, 2017 yil 25 sentabr
15. “Adabiyot gazetasi”, 2018 yil 5 mart
16. “Baxt nedir?” // “TVParkUz”, 2018. №2. B.10.
17. Niyozova Sh. “5 yilda ishlar 5” // “Yosh kuch”, 2018. №7. B.23.
18. N.Dushayev. “Chegaradagi qishloq” qayerda suratga olinmoqda? // “Oila va jamiyat”, 2018 yil 24 oktabr.

19. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
20. [www.qalampir.uz](http://www.qalampir.uz)
21. [www.russlovoburo.ru/izdanie/redaktura-smi/](http://www.russlovoburo.ru/izdanie/redaktura-smi/)
22. [www.gazeta.uz/uz/2018/04/13/nomoz-aka/](http://www.gazeta.uz/uz/2018/04/13/nomoz-aka/)
23. <https://anhor.uz/uz/reklama/lot-1-him-tashkent-city>
24. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Lot\\_\(finansy\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Lot_(finansy))

## REFERENCES

1. Explanatory dictionary of the Uzbek language: more than 80000 words and word combination. T.Mirzayev (chief editor), etc.; Uzbekistan Academy of Sciences, Institute of Language and Literature – T.: «Uzbekistan National Encyclopedia» state scientific publishing house, 2008.
2. Uzbekistan National Encyclopedia. Volume 8. Solnoma – Toytepa. A.Azizxojayev, M.Aminov, T.Daminov, etc. T.: «Uzbekistan National Encyclopedia» state scientific publishing house, 2004.
3. Uzbekistan National Encyclopedia. Volume 4. Zebuniso – Konigil. M.Aminov, T.Daminov, etc. T.: «Uzbekistan National Encyclopedia» state scientific publishing house, 2002.
4. Tohirov Z.T. The essence of editing. T.: “Uzbekistan” NMUI, – 2016. 240 p.
5. Value. (Compiler Saidov H.). – T.: Manaviyat, 2009. 160 p.
6. Tokhlieva. N. The methods of huge cognitive potential in small texts.– 2006, volume 4, 69-72 pp.
7. Chernikova E. Literary work of a journalist. Manual. –Moscow: Gardariki, 2007. 187 p.
8. Soliyeva S. “Do not deprive me of the challenges” // “Yosh kuch”, 2018. Volume 9.
9. Gayrat Majid. The letter for Mirzo Kenjabek // “The World of Books”, 2018, June.
10. Khurshid Dustmuhammad. “Are you interested to become a journalist?” T.: The generation of new century, 2001. 64 p.
11. H. Saidov, N.To‘xliyeva. Reporting skills: Manual/ High and secondary specialized education Ministry. – T.: Gafur Gulom publishing house, 2008. 56 p.
12. Tillaboyev I. Bizga ilm skautlari kerak // “Marifat”, 2018, July 4.
13. Alfred Lawrence Lorenz, John Vivian. News Reportig and Writing. USA: Allyn and Becon, 1996. 616 p.
14. “Literature”, 2017, September 25.
15. “Newspaper of Literature”, 2018, March 5.
16. “What is happiness?” // “TVParkUz”, 2018. Volume 2. 10 p.
17. Niyozova Sh. “Perfect results in five years” // “Young power”, 2018. Volume 7, 23 p.
18. Dusheva N. “A village on the border”: Where is shot?” // “Family and society”, 2018, October 24.
19. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
20. [www.qalampir.uz](http://www.qalampir.uz)
21. [www.russlovoburo.ru/izdanie/redaktura-smi/](http://www.russlovoburo.ru/izdanie/redaktura-smi/)
22. [www.gazeta.uz/uz/2018/04/13/nomoz-aka/](http://www.gazeta.uz/uz/2018/04/13/nomoz-aka/)
23. <https://anhor.uz/uz/reklama/lot-1-him-tashkent-city>
24. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Lot\\_\(finansy\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Lot_(finansy))